

Мийқот билан Ҳарамнинг орасидаги ерлар | Фикҳ дарслари (355-дарс)



19:00 / 27.11.2025 752

«Ҳил» деганда мийқот билан Ҳарамнинг орасидаги ерлар тушунилади. Мазкур кишилар Ҳарамнинг чегарасидан ҳаж ва умра учун эҳромсиз ўтишлари мумкин эмас. Аммо ўз уйларида эҳром боғлаб чиқсалар, афзал бўлади.

Маккадаги кишилар учун ҳажнинг мийқоти Ҳарамдир. Умраники Ҳилдир.

Макка шаҳрида яшаб турган ва шаҳарнинг ташқарисида, аммо Ҳарамнинг ичида яшовчи одамлар ҳаж қилмоқчи бўлсалар, турган жойларидан эҳром боғлайверадилар.

«Ким ўзи билан қурбонлик келтирган бўлса, ҳаж ва умрани ният қилиб талбия айтсин. Сўнгра уларнинг иккисидан баробар эҳромдан чиқмагунча эҳромдан чиқмайди», дедилар.

Маккага келдим. Мен ҳайз кўрган ҳолда эдим. Байтни тавоф қилмадим. Сафо ва Марва орасида саъй ҳам қилмадим. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилдим. Бас, у зот:

«Сочингни ёзиб, тараб ол. Ҳажни ният қил. Умрани қўй», дедилар.

Ўшандоқ қилдим. Ҳажни тугатганимиздан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Абдурраҳмон ибн Абу Бакр билан бирга Танъимга юбордилар ва мен умра қилдим. Бас, у зот:

«Сенинг умрангнинг макони шудир», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Демак, ҳар бир умра қилмоқчи бўлган ҳожи аввал Танъим деб аталган жойга чиқиши керак, чунки умрани ният қилмоқчи бўлган киши Маккаи Мукаррамада, Ҳарам ҳудудида бўлса, албатта, Ҳарамдан Ҳилга чиқиши зарур. Бусиз умра бўлмайди. Зотан, «умра»нинг луғавий маъноси «зиёрат»дир. Зиёратни турган жойида қилинмайди, балки бошқа тарафдан юриб келиб қилинади. Танъим эса Ҳарамнинг энг яқин чегарасидир. У ерни ҳозирда Сайида Оиша масжиди ҳам дейилади.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига биноан акалари Абдурраҳмон ибн Абу Бакр билан бирга Танъимга бориб, умрага эҳром боғлаганлари шарафига у ерга мазкур ном берилган.

Ҳеч ким, ҳеч қачон Маккада турган жойидан эҳром боғлаб умра қилса бўлаверди деган эмас ва бундай дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам йўқ.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.